I بَذَأَ (بذأ) (*а*) بَذْءٌ 1) сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, уятсизларча сўкмоқ; 2) ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; بَذِئَ (*а*) بَذَاءٌ уятсиз, ахлоқсиз, юзсиз бўлмоқ

– بَذَاءٌ ахлоқсизлик, беномуслик; уятсизлик, шармандалик; беодоб гап, беҳаё сўкиниш

– بَذَاءَةٌ одобсизлик, бебошлик; ахлоқсизлик, бузуқлик; саёқлик, суюқоёқлик, фоҳишабозлик, фоҳишалик; ~ اللِّسَانِ беодоб гап, беҳаё сўкиниш, бузуқтиллилик

– بَذِيءٌ 1) ахлоқсиз, одобсиз, нуқсонли, уятсиз, тарбиясиз, тартибсиз;2) шарманда, беномус, ҳаёсиз; 3) ҳақоратли, ҳақоратомуз

I بَذَخَ (у) بُذُوخٌ *ёки* بَذِخَ (*а*) بَذَخٌ 1) димоғдор бўлмоқ; 2) баланд, юқори, юксак бўлмоқ; мағрур, такаббур бўлмоқ

– بَاذِخٌ *кўп.* بَوَاذِخُ 1) баланд, юксак; 2) дабдабали, ҳашаматли, данғиллама

– بَذَخٌ, بَذْخٌ^{1} 1) мағрурлик, манманлик, такаббурлик; 2) дабдаба, ҳашам, зеб-зийнат

I بَذَرَ (у) بَذْرٌ 1) сепмоқ, сочмоқ, экмоқ; ~ الْبُذُورَ (الْحُبُوبَ) уруғ экмоқ (сепмоқ); 2) сочмоқ, тарқатмоқ; II بَذَّرَ совурмоқ, исроф қилмоқ; харжламоқ, сарф қилмоқ; V تَبَذَّرَ экилган, сепилган бўлмоқ; 2) сарф, харж қилинмоқ

– بَذَّارٌ 1. экувчи, тикувчи, сепувчи; 2. тарқатувчи, ёювчи

– بَذَّارَةٌ *шунингдек* ~ آلَةُ уруғ экадиган асбоб (*селяка*)

– بَذْرٌ^{1} экиш, сепиш; экин-тикин; أَوَانُ الْـ~ экиш пайти

– بَذْرٌ^{2} *жам.* بِذَارٌ, بُذُورٌ уруғ; ... زَرَعَ بُذُورَ التَّفْرِقَةِ بَيْنَ *маж.* ... ўртасига нифоқ уруғини сепмоқ

– بَذْرَةٌ *кўп.* بَذَرَاتٌ дон; уруғ, тухум

– تَبْذِيرٌ исрофгарлик, совуриш; исроф қилиш

– مُبَذِّرٌ 1. исроф қилувчи, совурувчи; 2. исрофгар

– مِبْذَرَةٌ *кўп.* مَبَاذِرُ уруғ экадиган асбоб (сеялка)

I بَذَلَ (*и, у*) بَذْلٌ 1) ҳаммасини, тўлалигича бермоқ; кўп бермоқ, саховат билан бермоқ, фидо қилмоқ; 2) исроф қилмоқ; 3) аямаслик (*кучни*); сарф қилмоқ; ~ جُهْدَهُ ёки ~ وُسْعَهُ ёки ~ قُصَارَى جُهْدِهِ барча кучларни (имкониятларни) сарф қилмоқ, ишлатмоқ; ~ النَّفْسَ وَ النَّفِيسَ ҳеч нарсани аямаслик; ҳамма нарсани қурбон қилмоқ; ~ الْجُهْدَ وَ الْعَرَقَ فِي سَبِيلِهِ бирор нарса учун терлаб-пишиб (жон куйдириб) ишламоқ; ~ الْغَالِيَ وَ الرَّخِيصَ لِـ... ... учун ҳамма нарсани қурбон қилмоқ; ~ مَاءَ الْوَجْهِ ўз қадр-қимматини билмаслик; ~ الدِّمَاءَ فِي سَبِيلِهِ бирор нарса учун ўз қонини тўкмоқ (аямаслик); ~ الدِّمَاءَ دِفَاعًا عَنْ ... ниманингдир ҳимояси учун қон тўкмоқ; ◊ ~ الثَّوْبَ коржомани (иш кийимини) киймоқ; V تَبَذَّلَ 1) шунчаки, енгил муносабатда бўлмоқ; (*н. гадир*) бепарво, совуққон, эътиборсиз бўлмоқ (فِي); 2) ўзини гстоҳларча, беодоб, ҳаёсиз тутмоқ; 3) ҳаммага таслим бўлавермоқ, осон таслим бўлмоқ (*аёллар ҳақида*); VIII اِبْتَذَلَ 1) эҳтиёт қилмаслик, аямаслик; ҳар доим киймоқ (эскитмоқ - *кўйлакни*); 2) одми, сийқаси чиққан бўлмоқ; 3) бузмоқ, ерга урмоқ, расво қилмоқ, таҳқирламоқ, беҳурмат қилмоқ

– اِبْتِذَالٌ 1) эскилик, кийилганлик; 2) сийқаси чиққанлик, чайналганлик; қўполлик, дағаллик; 3) бепарволик, юзакилик, енгил-елпи муносабат, назарга илмаслик

– بَذْلٌ^{1} 1) бериш; тақдим қилиш; фидойилик; ~ الذَّاتِ ўзини

қурбон (фидо) қилиш; 2) саховат; الـ ~ وَ الْإِمْسَاكُ саховат ва хасислик.

– بَذْلٌ[2] кўп. بُذُولٌ инъом, совға

– بَذْلَةٌ кўп. ـــ اتٌ ёки بِذْلَةٌ кўп. بِذَلٌ кийим, костюм; ~ رَسْمِيَّةٌ расмий кийим, мундир; ~ السَّهْرَةِ кеча либоси (*кечаларда, меҳмондорчиликда, ўтиришларда кийиладиган либос*); ~ الْعَمَلِ (الشُّغْلِ) иш кийими, хоржома

– بِذْلَةٌ уринган кийим, эскирган кийим

– تَبَذُّلٌ ножўя ҳаракат, беадаблик, густоҳлик; ~ فِي адабсизларча, густоҳлик қилиб, юзсизлик билан

– مَبَاذِلُ кўп. ярамас ҳатти-ҳаракатлар

– مُبْتَذَلٌ 1) ҳар кунги, доимий, одатдаги, оддий, одми; 2) кунда ишлатиладиган, истеъмолдаги, ўрганиб қолинган; 3) сийқаси чиққан, чайналган; сохта, бузилган

– مِبْذَلَةٌ бузилган, эскирган, уринган кийим

– مِبْذَلٌ, مِبْذَلَةٌ кўп. مَبَاذِلُ кундалик кийим; халат

– مُتَبَذِّلٌ беадаб, дағал; ласткаш, ярамас, бемаъни, тутуриқсиз, густоҳ

بَذَاءٌ адабсизлик, ахлоқсизлик

– بَذِيٌّ мн. بَذِيَّةٌ кўп. أَبْذِيَاءُ адабсиз, ахлоқсиз; ~ اللِّسَانِ оғзи бесар, ахлоқсиз гапларни гапирувчи

I بَرَّ[-1] (*u/a*) ёки (*a/u*) بِرٌّ иззат (ҳурмат) қиладиган бўлмоқ, одобли бўлмоқ, меҳрибон, олийжаноб бўлмоқ; 2) диндор, тақводор, художўй, мўъмин бўлмоқ; 3) бўйсунмоқ, итоат этмоқ; 4) (*қасамни, ваъдани*) бажармоқ, устидан чиқмоқ, унга риоя этмоқ; (بِ); (*н. ғадир*) содиқ, ишончли, вафодор бўлмоқ (بِ, فِي); I بَرَّ[-2] қабул қилмоқ; ~ اللهُ حَجَّهُ Оллоҳ унинг ҳажини қабул қилсин!; II بَرَّرَ оқламоқ, гуноҳсиз деб тан олмоқ, шаънини (илгариги ҳуқуқларини, обрў-эътиборини) тикламоқ; IV أَبَرَّ 1) = II; 2) қабул қилмоқ; ~ اللهُ حَجَّهُ Оллоҳ унинг ҳажини қабул қилсин!; 3) устун бўлмоқ, юқори бўлмоқ; ~ عَلَى أَصْحَابِهِ дўстларидан (шерикларидан) аъло бўлмоқ; V تَبَرَّرَ итоат қилмоқ, қулоқ солмоқ

– بَارٌّ кўп. بَرَرَةٌ 1) итоаткор, хушфеъл, хушахлоқ, одобли; 2) меҳрибон, олижаноб; 3) художўй, диндор, тақводор; мўъмин; 4) ҳақиқатгўй, ростгўй, виждонли, содиқ, вафодор

– بَرٌّ[-1] кўп. أَبْرَارٌ = بَارٌّ

– بَرٌّ[-2] кўп. بُرُورٌ материк, қуруқлик; ~ ا وَ بَحْرًا қуруқликда ва сувда; ◊ الـ ~ بَاخِرَةُ поезд

– بُرٌّ жам. буғдой

– بِرٌّ 1) яхшилик, асллик, меҳрибонлик, олижаноблик; севги, муҳаббат; 2) диёнат, тақводорлик, художўйлик; 3) муҳтожларга ёрдам, хайр-саховат, эҳсон; хайрия; رَجُلُ الـ ~ وَ الْإِحْسَانِ хайр-эҳсон қилувчи киши (одам)

– بَرًّا халқ. 1) ташқи, ташқарида; 2) ташқарига

– بَرَّانِيٌّ 1) ташқи, сиртқи; 2) бегона, ўзга, чет, алоқаси йўқ; 3) сохта, қалбаки, ясама, сунъий; 4) ҳовли ўртасидаги тандир, ўчоқ (печка)

– بَرْمَائِيٌّ 1) қуруқликда ва сувда юрувчи; ~ ـــةٌ حَرْبٌ танк-амфибия (*ҳам сувда, ҳам қуруқликда юрувчи танк*); 2) қуруқлик ва сувда яшовчи (*ҳайвонлар ҳақида*)

– بُرَّةٌ кўп. ـــ اتٌ — буғдой дони; ~ ابْنُ маж. нон

– بَرِّيٌّ 1) қуруқликка оид; 2) қуруқликдаги; 3) ёввойи (*мас. ҳайвон*)

– بَرِّيَّةٌ кўп. ـــ اتٌ, بَرَارِي чўл, дашт, саҳро, биёбон

– مُبَرِّرٌ ўзини оқловчи, ўзини оқлаш учун баҳона кўрсатувчи; 2. 1) кўр-кўрона мақтовчи, маддоҳ; 2) оқлаш, ҳимоя қилиш; баҳона, сабаб, исбот, аргумент

– مَبَرَّةٌ кўп. ـــ اتٌ, مَبَارُّ 1) яхшилик, мурувват, ҳиммат, эзгулик, хайр-саховат; эҳсон, садақа, қурбонлик; 2) хайрия жамғармаси

– مَبْرُورٌ 1) олижаноб, яхши, мурувватли; 2) тақводор, художўй

I بَرَأَ (بِرْأ) (*a*) яратмоқ, ижод этмоқ; бунёд этмоқ; بَرِئَ[-1] (*a*) (1 بَرَاءَةٌ (*н. дандир*) айбсиз, гуноҳсиз бўлмоқ, (*н. ғадир*) алоқаси йўқ, тааллуқсиз бўлмоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) қутулмоқ, озод, халос бўлмоқ (مِنْ); بَرِئَ[2] (*a*) بُرْءٌ, بُرُوءٌ тузалмоқ, яхши бўлмоқ, соғаймоқ, битмоқ (*яра ҳақида*); II بَرَّأَ) гуноҳсиз, айбсиз деб билмоқ (*к. нидир, н. нидир*) оқламоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) халос қилмоқ, қутқармоқ (مِنْ); ~ هُ مِنَ الْخَطِيئَةِ кимнингдир гуноҳини (хатосини) кечмоқ; ~ تِ الْمَحْكَمَةُ سَاحَتَهُمْ қар. سَاحَةٌ; III بَارَأَ шеригидан, ажралмоқ, айрилмоқ, бўлинмоқ; ~ الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ киши хотинидан ажралди; IV أَبْرَأَ 1) даволамоқ, муолажа қилмоқ, касалдан фориғ қилмоқ; 2) бахридан ўтмоқ, кечмоқ (*қарздан*); V تَبَرَّأَ 1) (*н. дадир*) оқланган, гуноҳсиз, айбсиз бўлмоқ (مِنْ); 2) қутулмоқ, халос бўлмоқ; (*н. дандир*) тонмоқ, (*н. нидир*) бўйнига олмаслик (مِنْ); ўзидан ҳар қандай масъулиятни олиб ташламоқ, соқит қилмоқ; X اسْتَبْرَأَ 1) (*н. дандир*) озод бўлмоқ (مِنْ); 2) тозаланмоқ, софланмоқ; гуноҳлардан фориғ бўлмоқ; (*ҳаромликдан, булғанишдан кейин*) ўзини тартибга келтирмоқ, тозаланмоқ

– إِبْرَاءٌ 1) даволаш, муолажа; 2) (*қарзнинг*) бахридан ўтиш, кечиш

– بَارِئٌ Борий, халлоқ, яратувчи; ижодкор

– بَرَاءٌ[-1] (*ҳамма жинс ва сонларда бир хил*) 1) гуноҳсиз, айбсиз; 2) озод; (*н. сидир*) йўқ, (*н. дандир*) холи (مِنْ); هُمْ ~ مِنْ تُهَمٍ улар гуноҳсиз, улар ҳар қандай шубҳадан холидир

– بَرَاءٌ[-2] ойнинг биринчи кечаси

– بَرَاءَةٌ 1) оқлаш, ҳақли (тўғри) деб топиш;2) айбсизлик, гуноҳсизлик, оқлик; алоқадор эмаслик, дахли йўқлик; ~ السَّاحَةِ умуман алоқаси йўқлик, гуноҳсизлик; ~ ـــةٌ أَثْبَتَ ўзининг ҳақлигини исботламоқ; 3) соддадиллик; ~ بِـ ـــ ёки ~ فِي камтарлик (сиполик)

билан, ўзини катта олмай; بِـــ~ الطُّفُولَة болаларча соддалик билан; 4) *кўп.* بَرَاءَاتٌ рухсат, лицензия (*1. чет элдан товар олиб келиш ёки товар чиқариш учун бериладиган рухсатнома; 2. ихтиро, кашфиёт ва ш.к. лардан фойдаланиш учун берилган рухсатнома*); патент (*1. ихтирочига ўз ихтироси хуқуқини тасдиқловчи хужжат; 2. савдо-сотиқ ёки хунар билан шуғулланишга рухсат берадиган хужжат*); ~ الاِخْتِرَاعِ ихтиро учун берилган патент; ~ القُنْصُلِ *дип.* консулнинг экзекватураси (*бирор давлат хукумати томонидан чет эл консулига ўз вазифаларини амалга оширишга рухсат берувчи хужжат*)

– بُرْءٌ, بُرُوءٌ даволаш, муолажа, тузатиш

– بَرِيءٌ *кўп.* بِرَاءٌ, أَبْرِيَاءُ 1) (*н. ғадир*) алоқасиз, дахлсиз, (*н. дадир*) айбсиз, гунохсиз (مِنْ); ~ السَّاحَةِ *маж.* айбсиз; ~ بَرَاءَةَ الذِّئْبِ مِنْ دَمِ اِبْنِ يَعْقُوبَ *маж.* мутлақо гунохсиз (*сўзма-сўз: Яъқубнинг ўғли қонида айбланган бўридек пок, гунохсиз*); 2) (*н. дандир*) озод, халос бўлган (مِنْ);3) (*н. дандир*) тузалган, шифо топган, даволанган (مِنْ)

– بَرِيئَةٌ, بَرِيَّةٌ *кўп.* بَرَايَا махлуқ; яратилган, яралган (*нарса*)

– تَبْرِئَةٌ 1) оқлаш; 2) кечиш (*қарзни*)

– مُبَارَأَةٌ *шар.* талоқ хақидаги хужжат, воз кечиш

بَرَاتِيكَةٌ карантин (*касаллик тарқалмаслиги учун вақтинча ажратиб қўйиш*) ни бекор қилиш

بَرَازِيلِيٌّ 1. Бразилияга оид; 2. бразилиялик

بَرَاشُوتٌ *кўп.* ـــ اتٌ парашют

بَرَاطِرَةٌ *кар.* إِمْبَرَاطُورٌ

بِرَاغْمَاتِزْمٌ *фалс.* прагматизм

بَرَافِينٌ парафин; парафин ёғи

بَرْبَخٌ *кўп.* بَرَابِخُ ишлатилган сув оқадиган ер ости қувури (трубаси); захоб сув оқадиган қувур, кульверт

بَرْبَرَ 1) шовқин-сурон (ғала-ғовур) қилмоқ, чуғурлашмоқ, чувиллашмоқ;2) минғилламоқ, тўнғилламоқ, пўнғилламоқ

– بَرْبَرٌ *кўп.* بَرَابِرَةٌ 1) варварлар, ёввойилар; маданиятсизлар, жохиллар, нодонлар; 2) барбарлар (*Шимолий Африка ғарбий қисмининг туб ахолиси*)

– بُرْبُرٌ *кўп.* بَرَابِرُ қуш боласи, жўжа

– بَرْبَرَةٌ 1) шовқин-сурон, ғала-ғовур; 2) минғиллаш, ириллаш, жавраш

– بَرْبَرِيٌّ *кўп.* بَرَابِرَةٌ 1) варварга оид, ёввойи; 2) барбарга оид; اللُّغَةُ الـــ~ـــةُ барбар тили; 2. 1) варвар, нодон, жохил; 2) барбар

– بَرْبَرِيَّةٌ 1) варварлик, ёввойилик; 2) қўполлик, рахмсизлик

بَرْبَرِيسٌ зирк, барбарис (*ўсимлиги ва меваси*)

بَرْبَشَ кўз пирпиратмоқ, тез-тез кўз очиб-юммоқ; ظَلَّ يُبَرْبِشُ بِإِحْدَى عَيْنَيْهِ طُولَ اللَّيْلِ *маж.* у тун бўйи кўз юммади, мижжа қоқмади

– بَرْبَشَةٌ пирпиратиш, тез-тез очиб юмиш

بَرْبَطَ чайқалмоқ, сачрамоқ, сачралмоқ, сепилмоқ

بَرْبَةٌ, بِرْبَةٌ *кўп.* بَرَابٌ қадимги ибодатхона (*Мисрда*)

بُرْبُورٌ *кўп.* بَرَابِيرُ буруундан чиққан шиллиқ, суюқлик, манқа

بَرْبُونِيٌّ барбуний (*балиқ*), барабушка (*балиқ*)

بِرْبَةٌ = بِرْبَى

بَرْبِيسٌ сўзон балиқ

بُرُوتِسْتَنْتِيٌّ *дин.* протестант мазхабидаги одам

بُرْتُغَالِيٌّ 1. Португалияга, португалга оид; الـــ~ـــةُ португал тили; 2. португалиялик

بُرْتُقَالٌ *жам.* апельсин; ~ يَافَاوِيٌّ Яффа апельсини

– بُرْتُقَالَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ апельсин

– بُرْتُقَالِيٌّ 1) апельсинга оид; 2) тўқ сариқ, апельсин ранг

بَرْتِيَّةٌ партия (*1) шахматда*: партия, дафъа, қур; 2) бир тўп мол, бир тўда товар)

بُرُوتُونٌ = بُرُتُونٌ, بَرْتُونٌ

بُرْثُنٌ *кўп.* بَرَاثِنُ 1) тирноқ, чангал; 2) оёқ, панжа (*хайвонларда ва қушларда*)

(برج) V تَبَرَّجَ 1) башанг кийинмоқ, ясанмоқ, тузанмоқ, ўзига зеб (оро) бермоқ (*аёллар хақида*); 2) хусну жамолини кўз-кўз қилмоқ

– بَارِجَةٌ *кўп.* بَوَارِجُ *алиф.б.қ.*

– بُرْجٌ *кўп.* بُرُوجٌ, أَبْرَاجٌ 1) минора; ~ إِيفِيل Эйфель минораси; ~ الأَجْرَاسِ қўнғироқхона, қўнғироқлар минораси (*бутхоналарда*); ~ الحَمَامِ ؛ بَابِلُ *қар.* بَابِلُ каптархона; ~ الدَّبَّابَةِ танк томи (*башняси*); электр узатиш мачтаси; ~ النِّفْطِ нефть минораси (*вишкаси*);2) қалъа, қўрғон; 3) *астр.* бурж, зодиак белгилари; (*Қуёшнинг йиллик харакати йўлида босиб ўтадиган ўн иккита буржлан хар бирининг белгиси*); юлдузлар туркуми; бурж; بُرُوجُ الأَفْلَاكِ ёки بُرُوجُ الفَلَكِ ўн икки юлдуз (бурж) белгилари; دَائِرَةُ البُرُوجِ эклиптика (*Қуёш бир йилда айланиб чиқадиган катта фазовий доира*);4) *шахм.* рух (*Шимолий Африкада*)

– بُرَيْجٌ миноарача, кичкина минора

بُرْجُدٌ *кўп.* بَرَاجِدُ буржуд (*дағал ва олачипор газламадан тикилган кийим*)

بَرْجَسَ от спорти мусобақасида иштирок этмоқ; أَعْمَى وَ يُبَرْجِسُ فِي النَّخْلِ *мтл.* қўлингдан келмаган ишга уринма! (*сўзма-сўз: ўзи кўру, дарахтзор ичидаги от чопиш мусобақасида қатнашади*)

– بُرْجَاسٌ нишон, мўлжал, қора (*хаводаги*)

– بِرْجَاسٌ биржас (*от спорти мусобақаси турларидан бири*)

– بَرْجَسَةٌ от пойгаси

– بِرْجِيسٌ : الـــ~ *астр.* Юпитер

بَرْجَلَ 1) хижолат қилмоқ, довдиратмоқ, хаяжонга солмоқ; 2) тартибсиз холга келтирмоқ, барбод қилмоқ, издан (ишдан) чиқармоқ, пучга чиқармоқ, бузмоқ (*мас.* режани)

– بَرْجَلٌ *кўп.* بَرَاجِلُ паргар, циркуль, доира чизадиган асбоб

بَرْجَمَ минғилламоқ, тўнғилламоқ, ирилламоқ, ғингшимоқ, вайсамоқ

– بَرْجَمَةٌ минғиллаш, тўнғиллаш, ириллаш, ғингшиш

– بُرْجُمَةٌ *кўп.* بَرَاجِمُ бўғин (*бармоқдаги*), сустав

بُرْجُوَازِيٌّ буржуазияга оид

– بُرْجُوَازِيَّةٌ буржуазия; الـ~ُ الْكُبْرَى йирик буржуазия; الـ~ُ الْوَطَنِيَّةُ миллий буржуазия

I بَرِحَ (а) بَرَاحٌ 1) ташлаб кетмоқ, тарк этмоқ; 2) кетмоқ, йўқолмоқ; مَا ~ يَكْتُبُ ёзишда давом этяпти, у ҳамон ёзяпти; II بَرَّحَ 1) толиқтирмоқ, чарчатмоқ, куч-қувватни олмоқ, тинкамадори қуримоқ, беҳол бўлмоқ; 2) (*к. нидир*) азобламоқ, қийнамоқ; ташвишга (хавотирга) солмоқ, безовта (нотинч) қилмоқ, халал бермоқ (ب); III بَارَحَ ташлаб кетмоқ, тарк этмоқ, кетмоқ, жўнаб кетмоқ

– بَارِحٌ ўтган (*кун, кеча ва б. ҳақида*); الـ~ الـ~َـةَ ёки кеча; مَا أَشْبَهَ اللَّيْلَةَ بِالـ~َـةِ ◊ أَوَّلُ الـ~َـةِ кечаги кун, аввалги кун; ҳаммаси илгаригидек (*кечагидек*) қолди (*сўзма-сўз: бу тун кечагининг худди ўзи!*)

– بَرَاحٌ[1] тарк этиш, кетиш, жўнаш

– بَرَاحٌ[2] бўш ер, обод қилинмаган ер, бўм-бўш жойлар

بَرْحٌ *кўп.* أَبْرَاحٌ азоб, қийналиш, дарду алам, кулфат, жабр, жафо; الْأَبْرَاحُ الْبَارِحَةُ ўта даҳшатли азоблар

– بُرَحَاءُ кучли оғриқ; الْحُمَّى ~ иситмадаги кучли оғриқ

– تَبْرِيحٌ *кўп.* تَبَارِيحُ кулфат, азоб, дард, қийналиш

– مُبَارَحَةٌ жўнаш, кетиш, йўлга (сафарга) чиқиш

– مُبَرِّحٌ азоб берувчи, жуда оғритадиган, чидаб бўлмайдиган; أَلَمٌ ~ кучли дард, оғриқ

I بَرَدَ (у) بَرْدٌ (برد) (у) بُرُودَةٌ совуқ бўлмоқ, совқотмоқ, совимоқ; بَرُدَ (у) بُرُودٌ، بَرْدٌ 1) совуқ бўлмоқ, совқотмоқ, музламоқ; совимоқ; 2) совуқ емоқ, шамолламоқ, шамоллаб қолмоқ; 3) эговлаб қўймоқ, эговлаб текисламоқ; ◊ فِي نَفْسِهِ ~ изза бўлмоқ, хижолат бўлмоқ, уялмоқ; II بَرَّدَ 1) совутмоқ, музлатмоқ;2) (*оғриқни*) тинчлантирмоқ, тўхтатмоқ; 3) уялтирмоқ, изза қилмоқ; 4) хафа қилмоқ; لَا تُبَرِّدْ عَنْ هَذَا الرَّجُلِ бу одамни хафа қилма; 5) дўл ёғмоқ; بُرِدَتِ الْأَرْضُ дўл ёғди; IV أَبْرَدَ 1) почта орқали жўнатмоқ; 2) ёғмоқ (*дўл, сел, жала ҳақида*); ~َتِ السَّمَاءُ дўл ёғди; V تَبَرَّدَ совумоқ, музламоқ; VI تَبَارَدَ 1) (*к. биландир*) совуқ муомала (муносабат) да бўлмоқ; 2) зериктирмоқ, юракни зиқ қилмоқ, диққатни оширмоқ; VII اِنْبَرَدَ эговланмоқ, эговланган бўлмоқ; VIII اِبْتَرَدَ совумоқ, ҳовуридан тушмоқ; ~َتْ حَمَاسَتُهُ у ҳовуридан тушди; X اِسْتَبْرَدَ 1) (*н. нидир*) совуқ деб билмоқ (ҳисобламоқ); 2) совутмоқ, музлатмоқ

– أَبْرَدُ[1] 1. салқин; муздаккина (*шамол*); الْأَبْرَدَانِ *ик.с.* тонг ва оқшом; эрта ва кеч; 2. *кўп.* أَبَارِدُ қоплон

– بَرْدٌ = أَبْرَدُ[2]

– بَارِدٌ 1) совуқ, салқин; 2) ишонарли бўлмаган, кучсиз (*мас. исбот, сабаб*); 3) бўш, маъносиз, аҳмоқона, пуч; 4) зерикарли, чидаб бўлмайдиган; 5) кучсиз, унча ўткир эмас (*тамаки ҳақида*)

– بَارُودٌ *алиф.б.қ.*

– بَارُودَةٌ *алиф.б.қ.*

– بَرَّادٌ[1] чилангар, слесарь

– بَرَّادٌ[2] *шунингдек* الشَّايِ ~ чойнак

– بَرَّادَةٌ *кўп.* ~َاتٌ — музлаткич, холодильник; كَهْرَبَائِيَّةٌ ~ электр музлаткич; بَيْتِيَّةٌ ~ уй музлаткичи

– بُرَادَةٌ қипиқ, арратўпон, қиринди, пайраҳа

– بِرَادَةٌ чилангарлик (слесарлик) касби

– بَرَّادِيَّةٌ *кўп.* ~َاتٌ — совутиш учун фойдаланиладиган идиш

– بَرْدٌ[1] эговлаш

– بَرْدٌ[2] 1) совуқлик; салқин; шабада; الدُّنْيَا ~ ҳаво совуқ; الْعَجُوزِ ~ баҳорда совуқнинг яна қайтиши (*сўзма-сўз: кампирча совуқ*); كَانَتْ هَذِهِ الْكَلِمَاتُ ~ًا وَ سَلَامًا عَلَى جَمِيعِ الْحَاضِرِينَ бу сўзлар ҳозир бўлганларнинг ҳаммасига далда берадиган тарзда таъсир қилди; 2) шамоллашлик; 3) уйқу; لَا يَذُوقُونَ فِيهَا ~ًا *қур.* улар унда уйқу нималигини билмайдилар; 4) ўлим

– بَرَدٌ *жам.* дўл, жала; تُمْطِرُ السَّمَاءُ ~ًا дўл ёғяпди; 2) *кўч.м.* тишлар

– بَرِدٌ дўлли; سَحَابٌ ~ дўлли булут, дўл ёғдирадиган булут

– بَرَدَةٌ[1] бир дона дўл, дўл донаси

– بَرَدَةٌ[2] ошқозонда овқатнинг ҳазм бўлмаслиги; أَصْلُ كُلِّ دَاءٍ الـ~ُ *ҳад;* ҳар бир касалнинг асоси овқатнинг ҳазм бўлмаслигидир

– بُرْدٌ *кўп.* أَبْرَادٌ، بُرُودٌ йўл-йўл устки кийим, чопон; نَسَجَ أَبْرَادَ الشُّهْرَةِ لَهُ *маж.* кимнидир шон-шуҳратли, ҳаммага танқли қилмоқ; ◊ مِلْءُ بُرْدَيْهِ صِحَّةً وَ عَافِيَةً мутлақо соғлом, куч-ғайратга тўла

– بُرَدَاءُ титраш, қалтираш, увишиш

– بَرْدَانُ 1) совуқ; 2) совқотган; музлаган; أَنَا ~ мен совқотяпман

– بَرْدَايَةٌ парда

– بُرْدَةٌ[1] *кўп.* ~َاتٌ، بُرَدٌ 1) йўл-йўл устки кийим; чопон, тўн; *тар.* Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўнлари; 2) "Бурда" (*Муҳаммад алайҳиссаломнинга тўнларига бағишлаб ёзилган қасиданинг номи*)

– بُرْدَةٌ[2] *муз.* бутун парда (оҳанг), тон

– بَرْدِيٌّ *бот.* папирус (*тропик мамлакатларда ўсадиган қамишсимон ўсимлик*); الْأَوْرَاقُ الـ~َـةُ папирус қоғозлар

– بُرَدِيَّةٌ титраш, қалтираш, иситма; безгак

– بُرُودٌ¹ 1) совуққа оид; 2) кўз малҳами (*дори*)

– بَارُودٌ = بُرُودٌ²

– بُرُودٌ 1) совуқлик; 2) совуққонлик; ~ بـِ совуққонлик билан

– بَارُودَةٌ = بَرُودَةٌ

– بُرُودَةٌ 1) совуқ; 2) совуқлик; совиш (*алоқа, муносабат ҳақида*); ~ الْعِلَّةِ кучсиз (ишонарсиз) важ, баҳона

– بَرِيدٌ кўп. بُرُدٌ 1) чопар; хабарчи, хат-хабар элтувчи, почтальон, почтачи; 2) почта; ~ سِيَاسِيٌّ дипломатик почта; صُنْدُوقُ الْـ~ почта қутиси; طَابِعُ الْـ~ почта маркаси; مَكْتَبُ الْـ~ почта бўлими; بِالْـ~ الْعَادِيِّ почта орқали; بِالْـ~ الْجَوِّيِّ авиапочта орқали (билан); 3) узунлик ўлчови (*12 милга тенг*)

– بَرِيدِيٌّ почтага оид

– تَبْرِيدٌ совутиш; ~ بِالْمَاءِ сув билан совутиш; ~ بِالْهَوَاءِ ~ *ёки* هَوَائِيٌّ ҳаво билан совутиш

– تَبْرِيدَاتٌ кўп. شَرِكَةُ الْـ~ музлаткичлар ишлаб чиқарувчи ширкат (*компания*)

مِبْرَدٌ кўп. مَبَارِدُ эгов

– مَبْرَدَةٌ совуқлик, салқинлик

– مِبْرَدَةٌ кўп. مَبَارِدُ токарлик дастгоҳи

– مُبَرَّدٌ совутилган, музлатилган; اللُّحُومُ الْـ~ـةُ музлатилган гўшт; الْأَسْمَاكُ الْـ~ـةُ музлатилган балиқ

– مُبَرِّدٌ 1. совутадиган, муздек қиладиган; 2. кўп. ـاتٌ совуткич

– مُبَرِّدَةٌ кўп. ـاتٌ совуткич, музлаткич

– مُبَرِّدَاتٌ кўп. совуқ (салқин) ичимликлар

– بُرْدَايَةٌ кўп. ـاتٌ парда, дарпарда

بَرْدَخَ силлиқламоқ, сайқалламоқ, тарашламоқ, ишлов бермоқ, пардоз (жило) бермоқ

– بِرْدَاخٌ жило, сайқал, пардоз, оро, зеб

– بَرْدَخَةٌ силлиқлаш, сайқаллаш, ишлов бериш, жило (*сайқал*) бериш

بَرْذَعَةٌ кўп. بَرَادِعُ эгар (*эшакдаги*); аравали от эгари, юк эгари

– بَرَادِعِيٌّ кўп. بَرَادِعِيَّةٌ эгарчи

– بَرْذَعَةٌ = بَرَاذِعُ кўп. بَرْذَعَةٌ

– بَرَادِعِيٌّ = بَرَاذِعِيَّةٌ кўп. بَرَاذِعِيٌّ

بِرْذَوْنٌ кўп. بَرَاذِينُ 1) арғумоқ; 2) аравага қўшиладиган от; 3) юк ташийдиган от

I بَرَزَ (у) بُرُوزٌ 1) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ; 2) чиқмоқ, кўзга ташланмоқ, олдинга чиқмоқ; II بَرَّزَ 1) машҳур, атоқли, таниқли бўлмоқ; 2) кўрсатмоқ, зоҳир қилмоқ; III بَارَزَ яккама-якка олишмоқ; IV أَبْرَزَ 1) ошкор этмоқ, борлигини кўрсатмоқ; 2) кўрсатмоқ, намойиш қилмоқ; 3) чиқармоқ, нашр этмоқ, чоп қилмоқ; V تَبَرَّزَ ёзилмоқ, ични бўшатмоқ; VI تَبَارَزَ муштлашмоқ

– إِبْرِيزٌ *алиф.б.қ.*

– بَارِزٌ 1) чиқиб (кўриниб, диккайиб) турувчи, бўртма, бўртиб турадиган, қабариқ, дўнг; 2) аниқ, равшан, кўзга кўринарли; بِحُرُوفٍ ~ـةٍ катта ҳарфлар билан; ~ مَثَلٌ аниқ мисол; 3) машҳур, атоқли; شَخْصِيَّةٌ ~ـةٌ атоқли шахс

– بَرَازٌ фазо, космос

– بِرَازٌ 1) нажас, ахлат, тезак, бавл, сийдик; ~ الْحَيَوَانِ гўнг; الْمَوَادُّ الْـ~ـيَّةُ нажас, ахлат, сийдик; 2) яккама-якка олишув

– بَرْزٌ ҳайбатли, савлатли

– بُرُوزٌ 1) пайдо бўлиш, чиқиш; 2) туртиб чиққан жой, бўртиқ, дўнг, тумшуқ

– بُرَيْزَةٌ кўп. بَرَايِزُ бурайза (*10 пиастрга тенг пул бирлиги*)

– بَرِيزَةٌ кўп. بَرَايِزُ: ~ الْمِيَاهِ сув оладиган колонка (*устун шаклидаги асбоб*); ~ الْكَهْرَبَاءِ *эл.* розетка (*электр асбобларини тармоққа улаб қўядиган мослама*)

– مُبَارِزٌ 1) жангчи, курашчи; 2) яккама-якка олишувга чиқувчи

– مُبَارَزَةٌ яккама-якка олишув

– مُتَبَرَّزٌ таҳорат оладиган жой

– مُبَرِّزٌ улуғ, атоқли (*одам*)

بَرْزَخٌ¹ кўп. بَرَازِخُ бўйин

بَرْزَخٌ² 1) икки нарса ўртасидаги тўсиқ; 2) бу дунё билан нариги дунё ўртаси; инсон вафот этган лаҳзадан қиёматгача бўлган вақт

بِرْسٌ, بُرْسٌ пахта

I بُرْسِمَ (برسم) зотилжам билан оғримоқ, зотилжам касалига мубтало бўлмоқ

– بِرْسَامٌ плеврит, зотилжам

– مُبَرْسَمٌ зотилжамга мубтало, зотилжам билан оғриган

بَرِسْكُوبٌ перископ (*пана жойдан туриб кузатишга мосланган дурбинсимон оптик асбоб*)

بِرْسِيمٌ (*Мисрда ўсадиган*) беда, йўнғичқа; ~ حِجَازِيٌّ беда

I بَرَشَ (у) بَرْشٌ ишқаламоқ, уқаламоқ, суртмоқ, ишқамоқ, суркамоқ, кирмоқ (*қирғичда*); بَرِشَ (а) بَرَشٌ хол-хол, олачипор, доғли бўлмоқ; чипор, чавкар бўлмоқ

– أَبْرَشُ *мн.* بَرْشَاءُ кўп. بُرْشٌ хол-хол, олачипор, доғли; чавкар

– بَرْشٌ *бот.* 1. бангидевона; 2. *кўч.м.* банг, афъюн

– بُرْشٌ кўп. أَبْرَاشٌ остдаги юмшоқ тўшама, бўйра, бордон; نَامَ عَلَى ~ деярли қоқ ерда ётмоқ, ухламоқ

– مَبْرُوشٌ қирилган (*қирғичда қирилган сабзавотлар ҳақида*)

بِرِشْتٌ *халк.* илитилган (чала пиширилган) тухум

بَرْشَمَ 1) диққат билан, синчиклаб, тикилиб қарамоқ; 2) парчинламоқ, михпарчин қилиб уламоқ (бириктирмоқ, маҳкамламоқ); четларини қайтариб уламоқ, пешламоқ, чегаламоқ; 3) муҳрламоқ; қулфлаб, печатлаб қўймоқ; беркитиб ёпиштириб қўймоқ

– بُرْشَامٌ *жам.* 1) парчинлаш; михпарчин, чега; 2) елимли қоғоз лента; порошок, кукун

– بُرْشَانْجِيٌّ *кўп.* بُرْشَانْجِيَّةٌ парчинловчи ишчи

– بُرْشَامَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) парчинлаш; михпарчин, чега; 2) елимли қоғоз лента; порошок, кукун

– بَرْشَمَةٌ 1) парчинлаш, пешлаш, чегалаш; 2) печатлаш, муҳрлаш, сургучлаш, беркитиб ёпиштириш

بُرْشَامٌ = بُرْشَانٌ

بَرَاشُوتٌ = بَرَشُوتٌ

– بَرَشُوتِيٌّ парашютчи

I بَرِصَ (а) بَرَصٌ мохов касали билан оғримоқ

– أَبْرَصُ *мн.* بَرْصَاءُ *кўп.* بُرْصٌ 1) мохов; мохов билан касалланган бемор; مُسْتَشْفَى الْبُرْصِ моховлар касалхонаси; 2) альбинос (*альбинизм, яъни организмда унга ўхшаш нормал ранг берувчи пигмент етишмаган одам, ўсимлик ёки жонивор*); оқариб кетиш

– بَرَصٌ мохов

– بُرْصٌ *кўп.* أَبْرَاصٌ калтакесак

بُرْصُلٌ *кўп.* بَرَاصِلُ чет, милк; қирра, ён, зиҳ, қирғоқ; ҳошия, жияк; уқа, ўров, канора, гардиш

I بَرَضَ (у) بُرُوضٌ ниш урмоқ, куртак чиқармоқ

بَرْضُو ёки بَرْضُهْ *халк.* ҳар ҳолда, шунга қарамай, яна, шунингдек; ~ مُشْ ҳозирча (ҳали) йўқ

بَرْطُوزٌ *денг.* бак (*кемада юқори палубанинг тумшуқ қисми*); ~ الْبَحْرِيَّةِ кубрик (*кемада: команда жойлаша- диган умумий хона*)

بَرْطَشَ 1) оёқ билан тақиллатмоқ, топ-топ (*ёки* гурс-гурс) қадам ташлаб юрмоқ, депсинмоқ; юрмоқ, қадам қўймоқ (босмоқ); 2) мўл, тўкин-сочин, кўп бўлмоқ; 3) кўп чайналган, сийқаси чиққан бўлмоқ (*мас. ибора ҳақида*)

– بُرْطَاشٌ *кўп.* بَرَاطِيشُ остона, бўсаға (*эшикники*)

– بَرْطَشَةٌ 1) депсиниш, оёқни тапиллатиш; 2) мўл-кўлчилик, сероблик, тўкин-сочинлик, фаровонлик, кўплик

– بُرْطُوشَةٌ *кўп.* بَرَاطِيشُ эски бошмоқ, ботинка, туфли

بَرْطَعَ сакрамоқ, ҳаккаламоқ, сапчимоқ; югурмоқ, чопмоқ, чопиб (югуриб-елиб) юрмоқ, иргимоқ, ирғишламоқ

– بَرْطَعَةٌ сакраш, ҳаккалаш; сакраб чопиш, елиш (*от ҳақида*); югуриб-елиш, югур-югур, чоп-чоп

بَرْطَلَ пора бермоқ; пора бериб сотиб олмоқ; ўз томонига оғдирмоқ; تَبَرْطَلَ пора олмоқ; порага сотилмоқ; сотқин, хиёнаткор, сотилган бўлмоқ

– بَرْطَلَةٌ 1) пора бериб сотиб олиш, ўз томонига оғдириш; 2) порахўрлик

– بِرْطِيلٌ *кўп.* بَرَاطِيلُ пора

– مُبَرْطَلٌ порага учган, сотилган

بُرْطُلٌ митра (*епископ ва бошқа мартабали руҳонийларнинг ибодат вақтида киядиган бош кийими*)

– بُرْطُلَةٌ шамсия; парашют

– بُرْطُلِّيٌّ парашютчи

بَرْطَمَ 1) ғазабдан ўзини йўқотмоқ, унутмоқ, жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ; 2) тўнғилламоқ, минғилламоқ; жаврамоқ

– بَرْطَمَةٌ кучли ғазаб

– بَرْطَمَانٌ *кўп.* اتٌ — сопол хум, кўза

– بُرْطُومٌ, بَرْطُومٌ *кўп.* بَرَاطِيمُ 1) тўсин, устки том (*чердак*) тўсини; 2) понтон (*вақтинча қурилган кўчма кўприк*), плашкоут (*шатакка олиб юриладиган палубасиз ясси кема*)

I بَرَعَ (а) بَرُعَ (у) بَرَاعَةٌ (بَرْعٌ) (برع) моҳир, уста, билимдон бўлмоқ; (V) تَبَرَّعَ 1) қурбон қилмоқ, қурбонлик қилмоқ; совға (тортиқ, ҳадя, инъом) қилмоқ; (*ўз хоҳиши билан*) бадал тўламоқ; 2) ўз хоҳиши билан иштирок этмоқ; (*н. нидир*) жон деб қилмоқ (ب)

– بَارِعٌ 1) қобилиятли, моҳир, билимдон; 2) аъло даражада; порлоқ, ёрқин

– بَرَاعَةٌ санъат, маҳорат, усталик, билимдонлик

– تَبَرُّعٌ *кўп.* اتٌ — қурбонлик; совға, инъом, ҳадя; бадал (*ўз хоҳиши билан берилган*)

– مُتَبَرِّعٌ 1. қурбон қилувчи; 2. инъом этувчи

بَرْعَمَ куртак (ғунча, шона) бермоқ, ғунча ёзмоқ

– بُرْعُمٌ *кўп.* بَرَاعِمُ куртак, ғунча, шона

– بَرْعَمَةٌ куртак ёзиш, шоналаш

– بُرْعُمٌ = بَرَاعِيمُ *кўп.* بُرْعُومٌ

بَرْغَثَ бурғага тўла бўлмоқ

– بُرْغُوثٌ *кўп.* بَرَاغِيثُ бурга; ~ الْمَاءِ *зоол.* дафния; ~ الْبَحْرِ *зоол.* майда қисқичбақа

بَرْغَشٌ *жам.* чивин, искабтопар

– بَرْغَشَةٌ *кўп.* اتٌ — чивин

بُرْغُلٌ йирик қилиб тортилган буғдой; буғдой ёрмаси

بَرْغَمَاتِيٌّ *фалс.* прагматизмга асосланган

– بَرْغَمَاتِيَّةٌ *фалс.* прагматизм (*фалсафа одамлар учун кундалик проблемаларни ҳал этишга хизмат қилиши керак деб ҳисобловчи оқим*)

بُرْغِيٌّ *кўп.* بَرَاغِيٌّ винт, бурама мих, болт

بَارَافَانٌ = بَرَفَانٌ

بِرْفِيرٌ олранг, ғоят қизил; тўқ қизил (олранг) бўёқ

I بَرَقَ (у) بَرْقٌ, بُرُوقٌ барқ урмоқ, ярқирамоқ, ялт этмоқ, ёрқин нур сочмоқ, чақнамоқ, жилваланмоқ, порламоқ; ~تْ فِي خَاطِرِي فِكْرَةٌ

ялт этиб миямга бир фикр келди; (السَّمَاءُ) تَبْرُقُ الدُّنْيَا чақмоқ чақяпди; وَ رَعَدَ ~ ғазаб билан гапирмоқ, газабни сочмоқ; بَرِقَ (а) : الْبَصَرُ ~ ҳайратдан кўз бақрайиб қолди; II بَرَّقَ (кўзни) катта очиб тикилмоқ; IV أَبْرَقَ) ярқирамоқ, ёрқин нур сочмоқ, чақнамоқ, порламоқ; барқ урмоқ; 2) телеграмма юбормоқ, телеграмма бермоқ

– أَبْرَقُ[1] мн. بَرْقَاءُ кўп. بُرْقٌ гулдор, ола-була, олачипор, ола; чавкар

– أَبْرَقُ[2] кўп. أَبَارِقُ нотекис, дўнглик жой, дўнглик

– إِبْرِيقٌ алиф.б.қ.

– بَارِقَةٌ 1) қуюқ қора булут; 2) кўч.м. шуъла, нур, ялт этиб кўринган ёруғлик; учқун, нишон; الرَّجَاءِ ~ ёки الْأَمَلِ ~ умид учқуни; بَرَقَتْ لَهُ الـ~ унда қандайдир умид пайдо бўлди

– بَارُوقٌ алиф.б.қ.

– بُرَاقٌ 1) الـ~ а) йиғи девори (*Қуддус шаҳрида*); б) Буроқ (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга чиққанларида минган отлари*);2) *мед.* невралгия (*асаб системасининг бирор ери касалланиши натижасида пайдо бўладиган оғриқ*)

– بَرَّاقٌ ярқироқ, ёрқин, нур сочувчи, барқ урган, кўзни олувчи, ялтироқ

– بَرْقٌ кўп. بُرُوقٌ 1) чақмоқ, яшин; بِسُرْعَةِ الـ~ яшин тезлигида; الـ~ الْخُلَّبُ ёмғир ёғишидан дарак бермайдиган чақмоқ; *кўч.м.* ундан яхшилик кутма!; الـ~ الْمُغِيثُ ёмғир ёғишидан дарак берувчи чақмоқ;2) бирор нарсанинг устида, юзида йилт-йилт этиб кўринган нарсалар, нуқталар, тангачалар; зар уқа, зар жияк; 3) телеграф (*алоқа тури*); سِلْكِيٌّ ~ симли телеграф; لَا سِلْكِيٌّ ~ ёки غَيْرُ سِلْكِيٍّ ~ симсиз телеграф; بِالـ~ телеграф орқали; 4) булут

– بَرْقَاوِيٌّ киренаикалик; Киренаикада яшовчи одам

– بَرْقِيٌّ телеграфга оид; رِسَالَةٌ ~ـةٌ ёки إِشَارَةٌ ~ـةٌ телеграмма

– بَرْقِيَّةٌ кўп. ~َاتٌ — телеграмма; шошилинч дипломатик мактуб, хат-хабар

– بَرِيقٌ ялтираш, чақнаш, нур сочиш

– مَبْرَقٌ кўп. مَبَارِقُ чиқиш, отиш, шафақ; الْفَجْرِ ~ тонг отиши, тонг шафағи

– مُبْرِقٌ телеграфчи

– مُبْرِقَةٌ телеграф аппарати, жиҳози

بَرْقَشَ ранг-баранг қилиб бўямоқ, нақшламоқ, безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ, зийнат бермоқ, пардоз бермоқ; ола-була қилмоқ

– بَرَاقِشُ Бароқиш (*мақол ва маталларда қўлланиладиган итнинг номи*); ~ جَنَتْ عَلَى أَهْلِهَا ёки ~ دَلَّتْ عَلَى أَهْلِهَا *мтл.* ўз бошига бало келтирмоқ, ўзига ўзи қилмоқ (*сўзма-сўз:* Бароқиш ўз аҳлига жафо қилди *ёки* Бароқиш ўз аҳли турган жойни (ёвларга кўрсатиб берди)

– بِرْقِشٌ кўп بَرَاقِشُ саъва; шунингдек: أَبُو بَرَاقِشَ зяблик (*сайроқи қуш*)

– بَرْقَشَةٌ ранг-баранг қилиб бўяш, безаш, ясатиш, пардозлаш; ола-булалик

– مُبَرْقَشٌ турли рангдаги, ранг-баранг, ола-була

بَرْقَعَ (*чойшаб, ёпинчиқ билан*) юзни ёпмоқ; تَبَرْقَعَ (*чойшаб, ёпинчиқ билан*) ёпинмоқ; إِنَّهُ هُوَ هُوَ وَ لَوْ ~ بِأَلْفِ بُرْقُعٍ *мтл* у ўзини қанча мақтамасин, барибир уша-ўша (*сузма-суз;* у мингта ёпинчиққа бурканиб олган бўлса ҳам, барибир ўша-ўша)

– بُرْقُعٌ кўп. بَرَاقِعُ 1) чодра, чиммат, ёпинчиқ, паранжи; чойшаб; 2) парда; الْجَنِينِ ~ қоғоноқ, қобиқ (*она қорнидаги болани ўраб олган парда*)

– بُرْقُوعٌ кўп. بَرَاقِيعُ = بُرْقُعٌ

بَرْقُوقٌ *жам.* олхўри (*дарахти ва меваси*)

– بَرْقُوقَةٌ кўп. ~َاتٌ — олхўри

I بَرَكَ (у) بُرُوكٌ чўкмоқ, чўкка тушмоқ (*туя ҳақида*); II بَرَّكَ (*туяни*) чўктирмоқ; 2) بَارَكَ اللهُ فِيكَ! сўзини талаффуз қилмоқ; بَارَكَ *га қар.*; 3) кўлмак ҳосил қилмоқ; 4) барака тилаб дуо қилмоқ; III بَارَكَ 1) (*к. нидир*) дуо қилмоқ; (*к. гадир*) худонинг марҳаматига сазовор бўлишни тиламоқ (عَلَى، فِي، بِ); اللهُ فِيكَ! ~ Оллоҳ сени ўз марҳаматига сазовор қилсин!; بُورِكَ فِيكَ! *Мажҳ.* Худо берсин! (*садақа сўраган мискинга садақа беришга қодир бўлмаган киши айтадиган жавоб*); 2) (*к. нидир*) табрикламоқ, муборакбод этмоқ (لِـ); أَبْرَكَ (*туяни*) чўктирмоқ; V تَبَرَّكَ 1) дуо, оқ фотиҳа, розилик, ижозат олмоқ (بِ); 2) оқ фотиҳа сўрамоқ; (*бирор н. нинг*) аломатини, нишонини олдиндан кўрмоқ; VI تَبَارَكَ 1) (*к. дандир*), дуо, фотиҳа, розилик олмоқ (بِ); 2) =III; X اِسْتَبْرَكَ 1) (*туяни*) чўктиришга ҳаракат қилмоқ, эришмоқ; 2) дуо, фотиҳа олишга эришмоқ; 3) бахт қидирмоқ

– بَارُوكَةٌ танга, чақа (*ёки тилла*) пул; (бахт келтирсин деб олиб юриладиган) нарса

– بَرَّاكَةٌ кўп. ~َاتٌ — барак (*муваққат ёғоч уй*)

– بَرَكَةٌ кўп. ~َاتٌ — 1) барака, марҳамат, тинч-омонлик; 2) худонинг марҳамати, инъоми; عَلَى اللهِ ~ Оллоҳ ҳаққи, Оллоҳ учун; قِلَّةُ الـ~ омадсизлик; حَلَّتِ الـ~! биз сизни кўрганлигимиздан хурсандмиз!; الْحَرَكَةُ ~ *мтл.* ҳаракатда-баракат; 3) ўсиш-улғайиш, кўпайиш, зиёда бўлиш, ортиш; ◊ حَبَّةُ الـ~ *бот.* седана

– بِرْكَةٌ кўп. بِرَكٌ 1) кўлмак, кўлоб, ҳалқоб сув; 2) ҳовуз, ҳавза, сунъий кўл

– تَبَرُّكٌ оқ фотиҳа, ижозат сўраш; حَفْلَةُ الـ~ (*йўлга, сафарга чиқишдан олдин*) оқ фотиҳа олиш мақсадида қилинган худойи маросими

– تَبْرِيكٌ кўп. ~َاتٌ — табрик, кутлов, бахт-саодат тилаш; табриклаш, табрик

– مُبَارَكٌ муборак, баракотли, бахтли, кутлуғ, омадли, худо марҳамат қилган, худонинг марҳаматига сазовор бўлган

– مُبَارَكَةٌ 1) бахт-саодат, яхшилик тилаш, табриклаш; 2) марҳамат, ижозат, дуо; نَظَّمَ هٰذَا الْأَمْرَ بِـ~ـهِ буни унинг марҳамати (ижозати) ила қилди

– مُبْرُوكٌ 1. худонинг марҳаматига сазовор бўлган, баракотли, омадли, бахтли; !~ (*янги кийим ва б. н.*) муборак бўлсин!, қутлуғ бўлсин!, 2. *ат.от. мз.* Мабрук

بِرْكَارٌ циркуль, паргар

بِرْكَالٌ перкаль (*техникада ишлатиладиган батистсимон газлама*)

بُرْكَانٌ *кўп.* بَرَاكِينُ вулқон; ثَائِرٌ ~ ҳаракатдаги вулқон; خَامِدٌ ~ ўчган вулқон; مَقْذُوفَاتُ الـ~ *ёки* مَقْذُوفُ الـ~ вулқон ҳаракати (фаолияти) натижасида ҳосил бўлган нарсалар; فُوهَةُ الـ~ кратер, вулқон оғзи

– بُرْكَانِيٌّ вулқонга оид; النَّشَاطُ الـ~ вулқон ҳаракати (фаолияти); مَقْذُوفَاتٌ ~ـةٌ вулқон лаваси (*вулқонлардан оқиб, отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда*)

بَرْكِيَةٌ паркет

بَرْلَمَانٌ *кўп.* ـاتٌ — парламент (*қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи*)

– بَرْلَمَانِيٌّ парламентга оид

– بَرْلَمَانِيَّةٌ парламентаризм (*бошида парламент турган давлат тузуми*)

بِرِلْيُومٌ *химё.* бериллий (*кулранг енгил металл*)

I بَرَمَ (у) بَرْمٌ (برم) 1) айлантирмоқ, бурамоқ; қайирмоқ; эшмоқ, ўрамоқ; йигирмоқ, пишитмоқ; 2) санкция (розилик, рухсат) бермоқ; тасдиқламоқ; ратификация қилмоқ; (*н. нидир*) тасдиқламоқ (*мас. имзо билан*); 3) айланмоқ, буралмоқ; ҳаракатланмоқ; بَرِمَ (а) بَرَمٌ 1) хавотирланмоқ, ташвишланмоқ; 2) норози бўлмоқ; дили оғримоқ, жаҳли чиқмоқ, зардаси қайнамоқ (بـ); (*н. дандир*) жирканиш ҳиссини туймоқ (مِنْ); IV أَبْرَمَ 1) айлантирмоқ, бурамоқ, эшмоқ, ўрамоқ; 2) тўла ҳал қилмоқ; тасдиқламоқ; 3) (*аҳднома, иттифоқ*) тузмоқ; 4) зериктирмоқ, жонга тегмоқ, безор қилмоқ; V تَبَرَّمَ 1) қайғурмоқ, ташвишланмоқ; 2) (*н. дандир*) норози бўлмоқ; дили оғримоқ, ранжимоқ (مِنْ); (*н. дандир*) қийналмоқ, машаққат чекмоқ (بـ); 3) қайғу чекмоқ; муҳтож бўлмоқ; VII اِنْبَرَمَ 1) айланмоқ, буралмоқ, эшилмоқ, ўралмоқ; 2) тасдиқланмоқ, рухсат берилмоқ; ратификация қилинмоқ

– إِبْرَامٌ 1) бураш, эшиш, ўраш, йигириш; 2) (аҳдрашув) тузиш; 3) тасдиқлаш; санкция (розилик) бериш; ратификация қилиш; قَرَارَاتٌ ~ ратификацион ёрлиқлар; مَحْكَمَةُ النَّقْضِ وَ الـ~ шикоят суди

– بَرْمٌ 1) бураш, эшиш, йигириш; 2) тасдиқлаш; санкция (розилик) бериш; ратификация

– بَرَمٌ ўкинч, ачиниш, ранж, норозилик, мамнун эмаслик; بـ~ норозилик билан

– بَرِمٌ норози, дили оғриган, ранжиган

– بَرَمَانِيٌّ *кар.* بَرٌّ

– بَرْمَةٌ *кўп.* بَرَمَاتٌ айланиш, айлана, доира, давра

– بُرْمَةٌ *кўп.* بُرَمٌ, بِرَامٌ 1) кастрюл (*идиш*); овқат пишириш учун фойдаланиладиган идиш; 2) *шунингдек:* مِسْمَارُ ~ винт, бурама мих, мурват

– بَرِيمٌ чилвир; арғамчи

– بَرِيمَةٌ *кўп.* بَرَائِمُ, ـاتٌ 1) штопор (*шиша тиқинини очадиган пармасимон асбоб*); 2) парма, дастпарма; 3) бурғу; الـ~ الْعِمْلَاقَةُ улкан, катта бурғу

– تَبَرُّمٌ 1) нотинчлик, хавотирлик, безовталик, ташвиш; таҳлика; 2) ўкинч, ачиниш, ранж; норозилик

– مُبْرَمٌ[1] узил-кесил ҳал қилинган; қайтариб бўлмайдиган, бўлиши аниқ (муқаррар); ўзгармас, бузилмас, қатъий; قَضَى عَلَيْهِ قَضَاءً ~ ниманидир узил-кесил тугатмоқ, бартараф қилмоқ; 2) ратификация қилинган

– مُبْرَمٌ[2] 1) икки қават қилиб йигирилган; 2) кийим номи

– مِبْرَمٌ *кўп.* مَبَارِمُ дук, йиг; урчуқ

– مَبْرُومٌ 1) эшилган; 2) юмалоқ, думалоқ

– مَبْرُومَةٌ *кўп.* مَبَارِمُ бурама билакузук

بَرْمَجَ режалаштирмоқ, планлаштирмоқ, программалаштирмоқ (*ҳисоблаш машиналарини*); ҳисоблаш машинасига ишлаш учун программа бермоқ (ўрнатмоқ)

– بَرْمَجَةٌ режалаштириш, планлаштириш; программалаш; لَجْنَةُ الـ~ لِلدَّوْلَةِ давлат режалаштириш қўмитаси

مُبَرْمَجٌ режалаштирилган, режага киритилган, планли; غَيْرُ ~ режалаштирилмаган, плансиз; الاِقْتِصَادُ الـ~ планли (планга асосланган) хўжалик; بِشَكْلٍ ~ планли равишда

بَرْمَقٌ *кўп.* بَرَامِقُ 1) нақшинкор устунча (*панжара ва ш.к. ларда*); 2) (*ғилдиракдаги*) кегай

بَرْمَكِيٌّ *кўп.* بَرَامِكَةٌ 1) *тар.* Бармакий; 2) лўли

بَرْمَهَاتُ барамҳот (*қибт тақвимининг 7-ойи*)

بَرْمُودَةُ бармуда (*қибт тақвимининг 8-ойи*)

بِرْمِيلٌ *кўп.* بَرَامِيلُ 1) бочка (*идиш*); بَارُودٍ ~ порох (милтиқдори) ли бочка; ضِلْعُ الـ~ бочка тахтаси; طَوْقُ الـ~ бочка гардиши, чамбараги; الـ~ الْفَارِغُ يَرِنُّ саёз сув шалдираб оқади (*сўзма-сўз: бўш бочка қаттиқроқ қалдирайди*); 2) баррель (*суюқлик ўлчов бирлиги*)

– بَرَامِيلِيٌّ *кўп.* بَرَامِيلِيَّةٌ *ёки* بَرَامِيلْجِيٌّ *кўп.* بَرَامِيلْجِيَّةٌ бочкасоз, бочка ясовчи уста

بَرْنِيٌّ хурмо навларидан бири

بَرْنَامَجٌ *кўп.* بَرَامِجُ 1) программа (*1. бирор иш-фаолият режаси;2. бирор сиёсий арбоб ёки ташкилотнинг мақсади ифодаланган баёнот; 3. ўқув предметининг қисқа мазмуни, мундарижаси*); ~ план; мундарижа, жадвал; دَاخِلِيٌّ ~ устав, низом; السَّنَوَاتِ الْخَمْسِ ~ беш йиллик план; شِفْرِيٌّ ~ (*электрон ҳисоблаш машиналари учун*) программа; زَوَّدَ بِـ~ شِفْرِيٍّ (*ҳисоблаш машинаси учун*) программа ўрнатмоқ; 2) иш тартиби, белгилаб берилган вақт;3) каталог (*алифбо тартибида тузилган рўйхат*)

بُرُنْجُكٌ креп (*юпқа қора ғижим газмол*)

بُرُنْزٌ бронза, бринж

– بُرُنْزِيٌّ бринждан ясалган; бронза рангли, буғдой ранг; офтобда тобланиб қорайган ранг

تَبَرْنَسَ (برنس) барнусни (*бош кийими*) киймоқ

– بُرْنُسٌ кўп. بَرَانِسُ 1) яктак; капюшон (*устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма қалпоқ*) ли плащ; ~ الْحَمَّامِ чўмилганда кийиладиган халат; 2) илк ислом даврида қаландарлар кийган чўзиқ бош кийими, кулоҳ

– بِرِنْسٌ кўп. ـَاتٌ — шаҳзода, принц

– بِرِنْسِيسَةٌ, بِرِنْسِيسٌ кўп. ـَاتٌ — малика, принцесса

تَبَرْنَطَ, بَرْنَطَ шляпа киймоқ

– بُرْنَيْطَةٌ кўп. بَرَانِيطُ шляпа; ёш болаларнинг иссиқ бош кийими; ~ اللَّمْبَةِ абажур, лампа қалпоғи

– بَرَانِيطِيٌّ шляпадўз, қалпоқ тикувчи

– مُبَرْنَطٌ шляпа кийган

بَرْنُوقٌ *бот.* бурга ўт (*ўсимлик*)

بَرْنِيقٌ бегемот, сув оти

بَرْنِيَّةٌ кўп. بَرَانِيُّ сопол (лойдан ясалган) идиш

بَرَاهِمَةٌ кўп. элчиларнинг Оллоҳ таоло томонидан юборилганлигини инкор қилган одамлар гуруҳи

– بِرَهْمَا Браҳма (*Ҳиндистондаги қадимги дин илоҳи*)

– بَرَهْمَنٌ кўп. بَرَاهِمَةٌ браҳман (*Ҳиндистонда олий табақаларга мансуб киши*)

– بَرَهْمِيَّةٌ, بِرَهْمِيَّةٌ браҳманизм (*Ҳиндистондаги қадимги дин*)

بَرْهَنَ (*н. нидир*) исботламоқ, тасдиқламоқ (عَلَى); далил келтирмоқ, важ қилмоқ; تَبَرْهَنَ исботланмоқ

– بُرْهَانٌ кўп. بَرَاهِينُ исбот, далил; важ, сабаб, аргумент

– بَرْهَنَةٌ исботлаш, далил кўрсатиш, далиллаш

– مُبَرْهَنٌ: عَلَيْهِ ~ исботланган, далилланган

بُرْهَةٌ кўп. بُرَهٌ, بُرُهَاتٌ қисқа вақт, кўз очиб-юмгунча ўтган вақт, лаҳза, он, фурсат, дам, нафас; ~ مِنَ الزَّمَانِ бир оз фурсатда, қисқа вақт ичида; ~ فِي كُلِّ истаган пайтда

– بَرَهُوتُ Ҳадрамавтдаги қудуқнинг номи (*айтишларича, кофирларнинг руҳи ўша қудуқдадир*); خَيْرُ بِئْرٍ فِي الْأَرْضِ زَمْزَمُ وَ شَرُّ ~ بِئْرٍ فِي الْأَرْضِ *ҳад.* ер юзидаги қудуқларнинг энг яхшиси Замзам, энг ёмони эса Балаҳутдир

– بُرْهِيٌّ оний, бир лаҳзада содир бўладиган

بَرْهِيزٌ парҳез

بُرُوبَاغَنْدَةٌ пропаганда, тарғибот, ташвиқот

بُرُوتِسْتَانْتِيٌّ 1. протестантликка оид; 2. протестант (*насронийларда: протестантлик мазҳабидаги одам*)

بُرُوتِسْتُو: кўп. بُرُوتِسْتَاتٌ протест, қатъий норозилик; эътироз билдириш

بُرُوتُوبْلَازْمٌ протоплазма (*тирик организм ҳужайраларидаги ҳаётий жараёнлар учун керакли модда*)

بُرُوتُوكُولٌ кўп. ـَاتٌ — протокол, қарор, бирор фактни тасдиқлаш ёки қандайдир битимлар ҳақидаги ҳужжат

– بُرُوتُوكُولِيٌّ протоколга оид

بُرُوتُونٌ, بُرُوتُونٌ кўп. ـَاتٌ — протон (*ҳамма атомларнинг таркибида мавжуд бўлган мусбат зарядли элементар заррача*); ~ مُتَعَادِلٌ нейтрон

بُرُوجْرَامٌ программа

بُرُوجِيٌّ кўп. بُرُوجِيَّةٌ карнайчи

بَرْوَزَ рамкага солмоқ, ҳошияламоқ

– بِرْوَازٌ кўп. بَرَاوِيزُ, بَرَاوِزُ рамка, дераза, ром

– بَرْوَزَةٌ рамкага (деразага) солиш, ҳошиялаш

بُرُوسِيَانِيٌّ 1. Пруссияга ва пруссияликларга оид; 2. пруссиялик, Пруссияда яшовчи

بُرُوشٌ кўп. ـَاتٌ — тўғнағич

بُرُوجْرَامٌ = بُرُوغْرَامٌ

بُرُوفَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) текшириб кўриш, тажриба, синов, текшириш; (*кийимни*) кийиб кўриш; 2) корректура (*босилган текстни ўқиб, хатоларини тузатиш*); صَحَّحَ بُرُوفَاتٍ корректура қилмоқ; 3) репетиция, тайёргарлик (*бирор нарсани омма олдида ижро этиш олдидан машқ қилиш*)

بُرُولِيتَارِيَّةٌ, بُرُولِتَارِيَا пролетариат

– بُرُولِتَارِيٌّ 1. пролетарга оид; 2. пролетар

بُرُومٌ, بُرُومٌ *кимё.* бром

بُرُومِيدٌ бромид

بَرُومِتْرٌ кўп. ـَاتٌ — барометр

بُرُونْزٌ, بُرُونْزٌ бронза, биринж

– بُرُونْزِيٌّ, بُرُونْزِيٌّ 1) бронзага оид; 2) бронза ранг

بَرْوَةٌ кўп. بَرَوَاتٌ қолдиқ; ~ الصَّابُونِ мағзава

بَرْوَةٌ бурун, тумшуқ (*кеманинг олд қисми*)

I بَرَى (*и*) بَرْيٌ 1) ўткирламоқ, учламоқ (*қаламни*); 2) дармонни қуритмоқ, толиқтирмоқ, чарчатмоқ; 3) тирнаб (тилиб, шилиб, синдириб, қириб) юбормоқ; (*оёқни*) ишқалаб қавартирмоқ, қадоқ қилиб қўймоқ; 4) яратмоқ, бунёдга келтирмоқ, барпо қилмоқ; III بَارَى (*н. дадир*) мусобақалашмоқ; рақиб бўлмоқ, рақобат қилмоқ, баҳслашмоқ (فِي);2) тақлид қилмоқ; V تَبَرَّى تَبَرَّأَ *билан бир хил*) (*н. дандир*) қутилмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ (مِنْ); VI تَبَارَى *л*) бир-бири билан мусобақалашмоқ, баҳслашмоқ, беллашмоқ; 2) (*к. ғадир*) қарши) чиқмоқ (ضِدَّ); VII انْبَرَى 1) (*к. ғадир қарши чиқмоқ*

(لِـ); 2) бошламоқ;3) ўткирланган, учланган бўлмоқ

بُرَايَةٌ = بُرَاءٌ

– بَرَّاءَةٌ кўп. اتٌ — 1) қаламтарош, пакки; 2) қалам учини йўнадиган асбоб

– بَرَّاءَةٌ = بَرَّايَةٌ

– بُرَايَةٌ қириндi, резги

– بَرًى 1) ер, тупроқ; 2) чанг, ғубор

– بَرْيٌ 1) учини очиш, чиқариш, йўниш; ўткирлаш, чархлаш, қайраш; 2) геол. абразия (қирғоқларнинг денгиз томонидан емирилиш жараёни)

– بَرِيَّةٌ қар. بَرَأَ

– بَرِيَّةٌ қар. بَرٌّ

– مُبَارَاةٌ кўп. مُبَارَيَاتٌ 1) мусобақа, беллашув; الْمُبَارَيَاتُ النِّهَائِيَّةُ финал (якунловчи) мусобақалар; ... الـ~ عَلَى كَأْسِ ...нинг кубоги (соврини) мусобақалари; ~ الشَّطْرَنْجِ шахмат мусобақаси; 2) тақлид қилиш, ўхшаш, ўхшатиш

– مِبْرَاةٌ кўп. مَبَارٍ қаламтарош, пакки

مَبْرِيٌّ - ўткирланган, учланган, йўнилган

بَرِي بَرِي мед. бари-бари ($Б_1$ витамини етишмаслиги натижасида пайдо бўладиган касаллик, авитаминоз)

بَرِيتُونٌ қорин пардаси; الْتِهَابُ الـ~ мед. перотонит, қорин пардасининг яллиғланиши

بِرِيطَانِيٌّ 1. Британияга оид; 2. британиялик

بَرِيتُونٌ = بَرِيطُونٌ

بِرِيلْيُومٌ киме. бериллий

بِرِيمُوسٌ кўп. اتٌ — примус

بَرِيُومٌ киме. барий

I بَزَّ (а/у) بَزٌّ 1) тортиб олмоқ, ажратиб олмоқ, ўғирламоқ, олиб кочмоқ; 2) (к. дандир) ғолиб бўлмоқ, устун келмоқ, енгмоқ, ортиқ бўлмоқ, ўтиб кетмоқ (عَلَى); ~ مَنْ عَزَّ мқл. ғолиб келган талайди; VIII ابْتَزَّ тортиб олмоқ, ўғирламоқ, олиб қўймоқ, айёрлик билан қўлга киритмоқ, алдаб-сулдаб олмоқ (пулни)

– ابْتِزَازٌ ўғирлаш, олиб кетиш, ўзлаштириш, эгаллаб (ўзиники қилиб) олиш; алдаб-сулдаб олиш

– بَزٌّ кўп بُزُوزٌ 1) газлама; 2) ип газлама; полотно (газламанинг қалинроқ тури); бўз, хом сурп

– بِزٌّ кўп. بِزَازٌ 1) (аёлларнинг) кўкраги; وَلَدٌ عَلَى الـ~ эмадиган бола; 3), елин, эмчак; 3) шох, буток

– بَزَّازٌ баззоз, газмол сотувчи

– بَزَّازَةٌ кўп. اتٌ — сўргич, эмизгич

– بِزَّةٌ кўп. بِزَّاتٌ 1) кийим-кечак, кўйлак, либос; رَسْمِيَّةٌ ~ расмий кийим; الْعَمَلِ ~ иш кийими, коржома; 2) ташқи кўриниш, қиёфа, шамойил, қад, қомат, жусса

– مُبَزَّزٌ сербутоқ, сершох; эгри-бугри

بَزْبُوزٌ кўп. بَزَابِيزُ 1) жўмрак (чойнакдаги); 2) (сув) чиқиб кетадиган тешик; кран, жўмрак, чумак

I بَزَرَ (и, у) بَزْرٌ экмоқ, тикмоқ; II بَزَّرَ уруғ (дон) бермоқ (ўсимлик ҳақида)

– أَبَازِيرُ кўп. зираворлар, дориворлар

– بَزَّارٌ уруғфуруш, уруғ сотувчи

– بِزْرٌ жам. بُزُورٌ уруғ; ~ الْكَتَّانِ зиғир уруғи (дони); ~ قَطُونَا бот. баргизуб, зубтурум; أَبْزَارٌ кўп. (овқатга солинадиган) дориворлар

– بَزَّارَاءُ тез-тез туғадиган аёл

– بِزْرَةٌ кўп. بِزْرَاتٌ уруғ, дон; ~ الثَّمَرَةِ (мева) уруғи; ~ الْقُطْنِ пахта уруғи (чигит)

– بُزَيْرَةٌ кўп. اتٌ — бот. спора (гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир ҳужайрали жониворларнинг урчиш органи)

بِزْرِمِيطٌ дурагай, чатишма, гибрид

I بَزَغَ (у) بُزُوغٌ чиқмоқ, кўтарилмоқ (қуёш, ой ҳақида); بَزَّغَ (а) кесмоқ (жарроҳликда)

– بُزُوغٌ чиқиш (қуёш, ой ҳақида)

– مِبْزَغٌ жарроҳлик пичоқчаси, пичоғи

I بَزَقَ (у) بَزْقٌ тупурмоқ, туфламоқ; II بَزَّقَ тез-тез, кўп тупурмоқ

– بُزَاقٌ 1) тупук; 2) сўлак, сўлакай

– بَزَّاقَةٌ кўп. اتٌ — 1) тупдон; 2) шиллиқ қурт, чиғаноқ; 3) Миср кобраси (илон)

– بَزْقٌ тупуриш

– بَزْقَةٌ кўп. بَزَقَاتٌ тупук

– مِبْزَقَةٌ, مَبْزَقَةٌ кўп. مَبَازِقُ тупдон, тупуриладиган жой

I بَزَلَ (у) بَزْلٌ тешмоқ; ~ الزُّجَاجَةَ шиша (тиқинини, қопқоғини) очмоқ; ~ الْبِرْمِيلَ бочкани очмоқ

– بُزَالٌ 1) тешик (бочкадаги); 2) жўмрак (бочкадаги)

– بِزَالٌ тиқинни очадиган пармасимон асбоб; дастпарма

– بَزْلٌ мед. сувни чиқариб ташлаш

– بِزْلَةٌ = بِسْلَةٌ

– مِبْزَلٌ кўп. مَبَازِلُ 1) мед. троакар (бадандаги йирингни чиқариб ташлайдиган асбоб); 2) кран, жўмрак

بِزْمُوتٌ киме. висмут (оқ-қизғиш метал)

أَبْزَى мн. بَزْوَاءُ товуқ кўкракли

– بَزِيٌّ эмишган ака, кўкалдош

إِبْزِيمٌ = بِزِيمٌ

I بَسَّ (у) 1) : السَّوِيقَ ~ арпа унига ёғ солиб қоримоқ; 2) الإِبِلَ ~ туяни оҳиста ҳайдамоқ; туяга بَسْ بَسْ ёки بِسْ بِسْ демоқ

– بَسٌّ ، بَسَّةٌ *кўп.* بِسَاسٌ мушук

– بَسِيسَةٌ басиса (*ёг қўшиб буғдой ёки арпа унидан тайёрланган ширинлик*)

– بَسْ пишт!

– بَسْ 1) *халқ.* бас!, етарли!, кифоя!; 2) بَسْ بَسْ бас бас *ёки* бис бис туяни *ёки* қўйни ҳайдашда ишлатиладиган ундов сўз

– الْبَسُوسُ *тар.* қирқ йиллик ўзаро урушга сабабчи бўлган аёл исми; ~ حَرْبُ шу аёл сабабли содир бўлган уруш; ~ أَشْأَمُ مِنَ *мақ.* Басусдан ҳам ёвуз

I بَسَأَ (а) بَسْءٌ (*бирор. к. билан*) дўстлашмоқ, (*бирор. н. ни*) хуш кўрмоқ (ب)

بِسَارِيَةٌ майда-чуйдалар (*балиқ ҳақида*)

بَسْبَاسٌ *бот* 1) пастернак (*ширин илдизли хушбўй ўт*); 2) укроп, шивит (*Мароқашда*)

– بَسْبُوسَةٌ бусбуса (*буғдой унидан шакар ва ёг қўшиб тайёрланган ширин овқат*)

بَسْتَرَ пастеризация қилмоқ (*озиқ-овқат маҳсулотла- рини зарарли микроблардан сақлаш учун 100 градусдан юқори бўлмаган температурада қиздириш*)

– بَسْتَرَةٌ пастеризация

بُسْتَانٌ *кўп.* بَسَاتِينُ бўстон, боғ

– بُسْتَانِيٌّ боғбон

– بَسْتَنَةٌ боғдорчилик, полизчилик

بِسْتَكٌ бифштекс (*овқат номи*)

بِسْتِمٌ *кўп.* بَسَاتِمُ *тех.* поршень

بِسْتُنٌ ,بِسْتُونٌ *кўп.* بَسَاتِنُ поршень

بَسْتُونِي (*карта ўйинида*) қарға

بَسْتِيلِيَةٌ ширин оби нон, таблеткалар

I بَسَرَ (бسر) [1]بَسْرٌ (у) 1) (*н. нидир*) вақтидан олдинроқ қилмоқ, айтмоқ; 2) пишиб етилмаган, лекин ранг кирган хурмо мевасини бошқа нав хурмо билан аралаштирмоқ (*хурмодан шароб тайёрлашда*); لاَ تَبْسُرُوا وَ لاَ تَنْجُرُوا *ҳад.* хурмо навларини аралаштира кўрманглар (*шароб тайёрламанглар маъносида*) [2]بَسَرَ (у) بُسُورٌ қовоғи солинмоқ, хўмраймоқ, пешонани тириштирмоқ, жаҳл билан қарамоқ; IV أَبْسَرَ : النَّخْلُ ~ хурмо мевасига ранг кирди; VIII ابْتَسَرَ 1) (*н. нидир*) вақтидан олдинроқ қилмоқ, айтмоқ; 2) вақтидан олдин бўлмоқ, бевақт бўлмоқ; 3) қовоғи солинмоқ

– بَاسِرٌ хўмрайган, қовоғи солиқ, авзойи бузуқ

– بَاسُورٌ *кўп.* بَوَاسِيرُ геморрой, бавосил; шиш, ғурра; ўсма, ўсимта, ортиқ; бўқоқ

– بَاسِرٌ = بَسْرٌ

– بُسْرٌ *жам. кўп.* بِسَارٌ пишиб етилмаган (хом) хурмолар

– بُسْرَةٌ *кўп.* بُسُرَاتٌ хом хурмо

– الأَسَارِيرِ : مُبْتَسَرُ ~ қовоғи солиқ, хўмрайган

– مُبْتَسَرٌ 1) олдиндан, вақтидан илгари; ... أَنْ ~ فَمِنَ الـ ҳозир ...нинг вақти эмас; 2) хом, пишмаган, етилмаган

I بَسَطَ (бسط) بَسْطٌ (у) 1) ёзмоқ (тўшамоқ); очмоқ (*газетани*); 2) тарқатмоқ; 3) чўзмоқ, узайтирмоқ, йўналтирмоқ; ذِرَاعَهُ ~ қўлини узатмоқ; لَهُ يَدَ الْمُسَاعَدَةِ ~ кимгадир ёрдам қўлини чўзмоқ; 4) тозаламоқ; текисламоқ, тўғриламоқ; 5) муфассал, кенг баён қилмоқ, тушунтирмоқ; 6) хурсанд қилмоқ, мамнун қилмоқ; 7) урмоқ, жазоламоқ; 8) (*темирни*) босмоқ, болғаламоқ;9) (*к. ни, н. ни бошқасидан*) афзал кўрмоқ (عَلَى); 10) الْعُذْرَ ~ узрни қабул қилмоқ; 11) далда бермоқ; ◊ يَدَهُ ~ қисиб турган қўлни ёзмоқ (очмоқ); ~ يَدَهُ فِي الإِنْفَاقِ сахийлик билан, қисиниб-қимтинмасдан сарф-харажат қилмоқ; نَفْسَهُ ~ вақтичоғлик қилмоқ; бирор нарса билан овунмоқ; الْمَائِدَةَ ~ дастурхон тузамоқ; بَسَاطَةٌ (у) بَسُطَ осон бўлмоқ; қийин бўлмаслик; II بَسَّطَ 1) соддалаштирмоқ, осонлаштирмоқ; оммабоп қилиб баён этмоқ; 2) ясси, япалоқ қилмоқ, текисламоқ; III بَاسَطَ 1) (*к. билан дир*) оддий (бетакаллуф) муомалада бўлмоқ; 2) бирор нарса билан машғул қилиб, кўнгил очмоқ, овутмоқ; V تَبَسَّطَ 1) кенгаймоқ, тарқалмоқ; 2) (*н. дадир*) чуқурлашмоқ, ичкари кириб бормоқ (فِي); فِي الْكَلاَمِ ~ гапга тушиб кетмоқ; гапга берилиб кетмоқ, узоқ суҳбатлашмоқ; 3) (*к. билан дир*) бетакаллуф муомала қилмоқ (لـ); VII انْبَسَطَ 1) ёзилмоқ (тўшалмоқ), чўзилмоқ, ёйилмоқ, узаймоқ; 2) кенгаймоқ, ўсиб, қалинлашиб кетмоқ; 3) хурсанд бўлмоқ, мамнун бўлмоқ; 4) очилмоқ, ёзилмоқ, керилмоқ ("*кермоқ*"*дан – мас. қўл ҳақида*); 5) журъатли, дадил бўлмоқ, дадилланмоқ

– إِنْبِسِيطٌ *алиф.б.қ.*

– إِنْبِسَاطٌ 1) кенгайиш; الْقَلْبِ ~ *мед.* диастола; قَابِلِيَّةُ الـ ~ وَ التَّمَدُّدِ чўзилувчанлик, кенгаювчанлик; 2) хурсандлик, шодлик, хушвақтлик, қувонч; яхши кайфият

– بِسَاطٌ *кўп.* بُسُطٌ ، أَبْسِطَةٌ гилам; الرَّحْمَةِ ~ тобутга ёпиладиган нарса; الرِّيحِ ~ *фольк.* учар гилам; طَرَحَ (وَضَعَ) عَلَى ~ الْبَحْثِ *маж.* муҳокамага қўймоқ, муҳокамага ташламоқ

– بَسَاطَةٌ оддийлик, соддалик, соддадиллик, гўллик, анойилик; ~ فِي оддийгина, соддагина

